



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2021 йил “ 4 ” январь

№ 5

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил
30 декабрдаги ПҚ-4938-сон
қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Вазир ўринбосарлари, вазирлик тизимидаги бўлинмалар, олий таълим муассасалари, филиаллар, ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли қарорини раҳбарлик ва ижро учун қабул қилсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорлари, ташкилотлар раҳбарлари ва ҳудудий бошқармалар бошлиқларига:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори таълим муассасаларининг жамоаларига етказилсин ва стипендия, ойлик маошларнинг миқдорларини қайта кўриб чиқиб, уларни ўз вақтида тўлаш таъминлансин;

2.2. 2021 йилнинг 1 февралидан таълим муассасалари ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи ҳамда стипендиялар миқдори 1,1 бараварга оширилсин (1-, 2-иловаларга мувофиқ);

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги 775-сон “Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган тариф коэффициентлари асосида нафақалар ва ходимлар иш ҳақлари миқдори ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилсин;

2.4. Мазкур қарорга биноан таълим муассасалари ва ташкилотларда лавозим ставка (ойлик маош)лар ҳамда нафақаларни қайта ҳисоблашда 1-илова асос қилиб олинсин.

3. Иқтисодиёт бошқармаси (М.Ҳамраев) вазирлик тизимидаги олий таълим муассасалари, филиаллар ва ташкилотларнинг харажатлар сметаларига зарур ҳолларда тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Бюджет ҳисоби методологияси ва бухгалтерия ҳисоботи таҳлили бошқармаси (К.Артиков)га вазирлик тизимидаги олий таълим муассасалари, филиаллар ва ташкилотлар томонидан оширилган микдордаги ойлик маошлар, стипендиялар ва нафақаларни тўланишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарорини ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ушбу буйруқ ижроси назорати вазирнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари С.Бузрукхонов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И. Маджидов



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг

2021 йил 4-сентябр даги

-сонли буйруғига

1-илова

**Бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларининг лавозим тариф
ставкалари миқдорлари**

Мехнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги 775-сон қарорининг 1-иловасида белгиланган ЯТСнинг тариф коэффициентлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон Қарорининг 1-банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги 775-сон қарори билан тасдиқланган тариф коэффициентлари асосидаги, 2021 йил 1 февралдан бошлаб киритиладиган тариф ставкалари миқдори (сўм)
1	1,000	747 300
2	1,053	786 907
3	1,106	826 514
4	1,158	865 373
5	1,269	948 324
6	1,384	1 034 263
7	1,505	1 124 687
8	1,630	1 218 099
9	1,755	1 311 512
10	1,883	1 407 166
11	2,014	1 505 062
12	2,148	1 605 200
13	2,284	1 706 833
14	2,421	1 809 213
15	2,561	1 913 835
16	2,704	2 020 699
17	2,847	2 127 563
18	2,993	2 236 669
19	3,141	2 347 269
20	3,292	2 460 112
21	3,444	2 573 701
22	3,597	2 688 038



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг

2021 йил " 4 " *сентябр* даги

5-сонли буйруғига

2-илова

**Олий таълим муассасалари талабалари учун стипендияларнинг
белгиланган
МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Стипендия номи ва қўшимча тўловлар	Стипендия миқдори (бир ойда, сўм)
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси	1 992 310
2.	Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Ислом Каримов ва Камолиддин Бехзод номидаги давлат стипендиялари	1 328 207
3.	Давлат гранти асосида, шунингдек, бир йиллик ўқитиш қийматининг стипендияли тўлов-контракт асосида таълим олаётган, барча фанлар бўйича фақат «аъло» ўзлаштириш кўрсаткичига (рейтинг кўрсаткичи 86 балл ва ундан юқори) эга бўлган талабалар учун стипендия	564 960
4.	Давлат гранти, шунингдек, стипендияли тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар учун базавий стипендия	470 800



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2021 йил “ 4 ” *сентябр* даги
5-сонли буйруғига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарорини ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича “Йул харитаси”

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми ва босқичлари	Ҳар бир механизмни амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини тизимдаги барча ташкилот ва муассасалар ҳамда олий таълим муассасалари ва филиалларга электрон шаклда юбориш.	1. Қарор ижросини таъминлаш бўйича вазирлик буйруғини чиқариш. 2. Вазирлик буйруғини қарор билан бирга тизимдаги барча ташкилот ва муассасалар ҳамда олий таълим муассасалари ва филиалларнинг расмий электрон почта манзилларига юбориш. 2. Юборилган ҳужжатларнинг ижрочиларга етиб борганлигини аниқлаштириш ва қайд қилиш.	Келиб тушган куннинг ўзида Шу куннинг ўзида	Б.Тураев, М.Ҳамраев, К.Артиков, Г.Абдуллаева
2.	Олий таълим муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари ҳаражатлар сметаларини вазирлик ҳамда ОТМларнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш.	1. Олий таълим муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари ҳаражатлар сметаларини тегишли форматга ўтказиш. 2. Олий таълим муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари ҳаражатлар сметаларини вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш. 3. Ҳаражатлар сметаларига киритилган ўзгартиришларни расмий веб-сайтда ҳам ўзгартириб бориш.	Ҳаражатлар сметаси тасдиқланганидан сўнг бир кун ичида Доимий	Ф.Бабашев, А.Абдуллаев, ОТМ ректорлари